

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 22-noyabr, shanba № 94 (15836)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан энг кам:

иш ҳақи — ойига 118 400 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 231 575 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 231 575 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 142 100 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгиланган қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

(Давоми 2-саҳифада)

ОҚСАРОЙДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 ноябрь куни Оксаройда Швейцария Конфедерацияси Президенти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси Дидье Буркхальтер билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Швейцарияга ишончли ҳамкор, жаҳон сиёсатида муҳим ўрин тутувчи, умумэтироф этилган халқаро иқтисодий ва молиявий марказ сифатида қарашини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Швейцария муносабатларининг муҳим масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоёвий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўплангани, мустақам шартномавий-ҳуқуқий асос яратилгани таъкидланди.

Ўзбекистонда Швейцария капитали иштирокида 77 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 22 таси тўлиқ ушбу мамлакат сармоёси ҳисобига ташкил этилган. Жорий йилда ҳам савдо соҳасида ижобий тенденция кузатилаётган.

Шу билан бирга, ҳар иккала

мамлакатнинг мавжуд салоҳияти ўзаро манфаатли бўлган барча соҳаларда ҳамкорликни изчил кенгайтириш имконини бериши қайд этилди.

Учрашувда таъкидланганидек, минтақавий ва халқаро миқёсдаги сиёсатга оид қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатларимизнинг позицияси яқин ёки ўхшаш экани БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик учун қўлай шароит яратмоқда.

Ўзбекистон Швейцариянинг 2014 йилда ЕХХТга раислигини қўллаб-қувватлаган эди. Президент Дидье Буркхальтер ЕХХТга раисликнинг дастлабки якунлари бўйича ўз фикрини баён қилди.

Учрашувда долзарб халқаро масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2014 йил 24-25 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида-

ги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид кенг қўламли масалалар муҳокама этилади. Давлат раҳбарлари долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Ijtimoiy so'rov

МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА ОЛДИДАН ТАДҚИҚОТ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «Етакчи» ёшлар маркази олиб борган социологик тадқиқот натижалари мамлакатимиз ёшларининг давлат ва жамият бошқарувида бевосита иштирок этишга бефарқ эмаслигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар олдидан ўтказилган сўровда республикамизнинг барча ҳудудларидан етти мингдан зиёд респондент иштирок этди.

Уларнинг асосий қисми 18—20 ёшда. Таъкидлаш керак, жорий йилда бу йигит-қизлар сайлаш ҳуқуқидан илк бора фойдаланади.

— Сўралганларнинг 33,9 фоизи сиёсий партияларга мансублигини кўрсатган, — дейди «Етакчи» ёшлар маркази раҳбари

Нодир Субҳонов. — Ўз навбатида, 32,9 фоиз респондент мамлакатимиз ёшлари сиёсий партияларга аъзо бўлиш ҳаракатида эканини таъкидлади. Бу эса мамлакат сиёсий ҳаётига бефарқ бўлмаган ёшлар кўпаяётганидан далолат беради. Тадқиқот иштирокчиларининг 22 фоизи сиёсий институтлар фаолияти ҳамда сиёсий жараёнлардан тўлиқ хабардор. 37,5 фоизи бундай ахборотни касб тақозоси туфайли олишини, 21,4 фоизи батафсил маълумотга эга эмаслиги, 9,6 фоизи эса умуман хабардор эмаслигини қайд этди.

(Давоми 4-саҳифада)

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши учун шарт-шароит яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда

ЭРТАСИНИ ЎЙЛАГАН ХАЛҚ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

Халқимиз бугунидан кўра эртасини кўпроқ ўйлайди. Шу боис ҳар гал дуога қўл очаркан, Яратгандан фарзандларининг бахт-иқболлини кўриш насиб этишини сўрайди. Ўғил-қизининг камолини ҳаётининг мазмуни деб билади. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ёзганидек:

Киёси йўқ асло,
меҳри бир дарё,
Ўхшаса ўзига
ўхшайди ўзбек.
Болаларига-ку
билдирмас, аммо,
Дунёда болам деб
яшайди ўзбек.

(Давоми 7-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ — ЭРКИН ФИКР МАЙДОНИ

Тошкентда «Ўзбекистон матбуоти» IV Миллий форуми ва кўргазмаси бўлиб ўтди

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур форумда сенаторлар ва депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари, марказий ва ҳудудий босма ва интернет нашрлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, медиа соҳа экспертлари иштирок этди.

(Давоми 6-саҳифада)

Intellektual bellashuv

Тафраккур синовларга чархланади

Ўзбекистон давлат консерваториясида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган «Тафраккур синовлари» республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.



2-саҳифага қаранг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғар-

маси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобида иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 июлдаги ПФ-4639-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2014 йилнинг 15 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 21 ноябрь

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Танлов Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида учинчи мартаба ўтказилди. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурини белгиланган ушбу лойиҳа ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган.

«Тафаккур синовлари»нинг дастлабки босқичи барча олий таълим муассасалари ва филиалларида ўтказилди. Кейинги босқичда жамоалар 17та гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро беллашди.

Қарши давлат университетининг «Адолат», Фарғона давлат университетининг «Сарбон», Урганч давлат университетининг «Ал-Хоразмий ворислари», Тошкент молия институтининг «Истиқлол фарзандлари», Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг «Катарсис» жамоалари финалга йўлланма олди.

Иштирокчилар бешта шарт бўйича тафаккур баҳсига киришди. Дастлаб «Ёшлар овози» шартини ҳар бир жамоа ўз олий таъ-

Тафаккур синовларда чархланади



лим муассасасини таништириб, юртимизнинг истиқлол давридаги тараққиёти, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-сиёсий тизимда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тушунтирди. Юксак манавиятли баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир таклифларини кўргазмалар тарзда намойиш этди.

«Ҳозиржавоб» шартини ҳуқуқий билимлар синовдан ўтказилди.

«Саҳнада тафаккур синови» шартини жамоалар фаол ёшлар ҳаётидан тайёрлаган ижтимоий роликларини ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этди. Намойиш чоғида видеотасвир мазму-

нини суратларда ифодалаш ҳам талаб қилинди.

«Муаммо ва ечим» шартини ёшлар бузғунчи ғояларга қарши курашиш усулларини кўрсатишди.

«Ёшларга оид қонунчилик — талабалар нигоҳида» деб номланган сўнгги шартда жамоаларнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиққан таклифлари тақдимот шаклида намойиш этилди. Барча шартлар ўн баллик тизимда баҳоланди.

Натижаларга кўра, 1-ўринни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, 2-ўринни Фарғона давлат университети ва 3-ўринни Тошкент молия институтининг билимдон талабалари қўлга киритди. Фолибларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

— Бу беллашув тафаккуримизни чархлаган ёрдам берди, — дейди «Катарсис» жамоаси аъзоси Шоҳрух Абдурасулов. — Жамоа билан танловга жуда қаттиқ тайёрландик. Мана, фолиблар сафидамиз. Институтга ёруғ юз билан қайтганимиздан бахтиёрмиз.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,
«Turkiston» мухбири



«Kamalak yulduzlari — 2014»

САНЪАТ ВА АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ УМИДИ

Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтимизда 15-19 ноябрь кунлари «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалининг якуний — мамлакат босқичи юқори савияда ўтди. Унда олти ёшдан ўн беш ёшгача бўлган етти юз нафарга яқин иқтидорли ўғил-қизларнинг мумтоз ва миллий мусиқа чолғулари ижрочилиги, анъанавий ва академик хонандалик, хореография, тасвирий ва амалий санъат, наср ва назм йўналишидаги истеъдод ва маҳорати таниқли санъаткорлар, мутахассислар томонидан баҳолаб борилди.



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Камалак» болалар ташкилоти, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур фестиваль фолибларини тақдирлаш маросими ҳамда танлов иштирокчилари ижросидаги гала-концерт «Истиқлол» санъат саройида бўлиб ўтди. Унда мутасадди ташкилотлар вакиллари, санъаткорлар, танлов қатнашчилари ҳамда ота-оналар иштирок этди.

Фестиваль доирасида болалар ижодиётига оид бадий кўргазмалар, мохир хонанда ва созандалар, мусаввирлар, болалар ёзувчи ва шоирлари иштирокида маҳорат дарслари ташкил этилди.

— Бугун жуда хурсандман. Гуруҳимиз мазкур танловда биринчи

ўринни эгаллади, — дейди Навоий вилоятининг «Ширин» рақс дастаси вакили Наргиза Шукурова. — Тақдирлаш маросимидаги таниқли санъаткорларнинг чиқишидан янада севиндик. Танловда биринчи марта қатнашдим, таассуротларим бир олам. Танлов орқали кўп дўстлар орттирдим. Музейлар, театрлар, кўргазма заллари, маънавият ва маърифат масканларига қилган саёҳатларимиз эса унутилмас воқеаларга бой бўлди.

Фестивалда турли номинациялар бўйича фолибларга диплом, статуетка ва эсдалик совғалар топширилди.

Таъкидлаш лозимки, фестивалнинг республика босқичи фолибларини ташкилотчилар томонидан доимий қўллаб-қувватланади. Жумладан, фолибларнинг юртимиз бўйлаб

ижодий учрашувлари, концерт дастурлари ҳам ташкил этилиши кўзда тутилган. Тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича фолибликни қўлга киритган болаларнинг ижодий ишлари каталоги тузилиб, болалар нашрларида ва алоҳида тўплам шаклида чоп этилиши режалаштирилган. Шунингдек, «Камалак юлдузлари»нинг ҳар бир совриндорига Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида ёзги таътилни мароқли ўтказиш учун йўлланмалар берилди.

Тақдирлаш маросими якуни дўстлик тантанасига айланди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
Санжар ИСМАТОВ,
«Turkiston» мухбирлари,
Рустам Назарматов олган
суратлар.

San'at

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида суратга олинган «Катта ҳовли» фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

ЎЗИГА ХОС ТУҲФА

Фильм йилнинг энг шов-шувли ва узоқ кутилган янгиллигига айланиб улгурди. Унда обод ва жаннатмакон юртимизнинг ўзгача хусну таровати, халқимизнинг самимиятию соддадиллиги жонли ва ҳангомага бой тасвирларда ўз аксини топган. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишларининг яққол тасвири, юртимизнинг фаровон турмуш тарзидан сўзловчи фильм мусиқали комедия жанрида суратга олинган.

Ўзбек миллий мумтоз куйларининг янгича талқини, урф-одатларимиз, қадрият ва анъаналаримизнинг гўзал намуналари акс этган ушбу мусиқали кинокартинада юзга яқин персонаж иштирок этган бўлиб, асосий актёрлар таркибининг қирққа яқини элимиз ардоғидаги санъаткорлардир. Кино нафақат маданий ҳордиқ чиқаришга, балки кайфиятни кўтарувчи комедик саҳналар орқали ҳаётимизда учрайдиган воқеаларга ўзгача назар ташлашга чақиради.

Сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр Нилуфар Иброҳимхўжаева, постановкачи оператор Дилмурод Турдубоев, рассом Баҳриддин Шамсиддинов ва бадий раҳбар Аюб Шаҳобиддинов ҳамкорлигида суратга олинган ушбу фильм томошабинларга барчага бирдек манзур бўлди.

Фильмда Ўзбекистон халқ артистлари Фуломжон Ёқубов, Озодбек Назарбеков, Гулсанам Мамазоитова каби санъаткорларимизнинг катта экранларда илк бор роль ижро этишига қарамай, картинада ўзига хос чиқишлари мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Ҳа, биз яхши фильмларни соғиниб яшаймиз. Шу жиҳатдан «Катта ҳовли» фильми барчамиз учун ўзига хос туҳфа бўлди дейиш мумкин.

Парвина ОМОНОВА,
«Turkiston» мухбири

Saylov — 2014

Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асоси

Сиёсий партия фуқароларнинг қараш ва манфаатлари ҳамда мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда аҳолининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интиладиган, ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора қилишда иштирок этадиган кўнгилли бирлашмадир.

Мустақилликнинг илк йилларидан ҳозирги кунгача бўлган даврга эътибор қиладиган бўлсак, сиёсий партияларимизнинг анча фаоллашганини, аъзолари сони кундан-кунга ортиб бораётганини кўриш мумкин. Сиёсий партиялар парламентда ҳам, маҳаллий депутатлик кенгашларида ҳам асосий бўғинни эгаллади. Фуқаролар томонидан кўтарилаётган муаммолар партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари орқали ҳал қилинмоқда. Шу жиҳатдан сиёсий партиялар қуйи бўғин билан давлат органларини боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтамоқда, дейиш мумкин.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини шакллантиришдаги иштирокига алоҳида аҳамият берилмоқда ва уларнинг мақоми қонунлар билан белгилаб қўйилди. Бу эса улардан янада кўпроқ масъулиятни талаб қилади.

Бош қомусимизда таъкидланганидек, сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифода қилади ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этади. Фаолиятининг молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошқора ҳисоботлар бериб

туради.

«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларда сиёсий партияларнинг фаолиятига доир нормалар белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, 2007 йилда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун сиёсий партияларнинг тўлақонли фаолият юритишлари учун ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг янада ривожланиши ҳамда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувида ролининг ошишига туртки бўлди.

Фракция сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия манфаатини ифода этувчи ва тегишли рўйхатдан ўтказилган депутатлик бирлашмаси ҳисобланса, партия гуруҳи партия манфаатларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, халқ депутатлари Кенгашида ифода-

лаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. Бугунги кунга келиб фракция ва партия гуруҳлари сиёсий партия ва давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ўртасида боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилмоқда.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунда сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашларида фаолият юритаётган депутатлик гуруҳларининг фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг янада самарали фаолият юритишига катта аҳамият қаратилган. Қонунчилигимизга киритилаётган ўзгартиришлар сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолияти самардорлигининг янада ошишига кўмак бермоқда.

Қонунчилигимизга кўра, сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш, йиғилиш, конференция ва бошқа тадбирларни ўтказиш, сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органларига сайловларда иштирок этиш, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Жавлон ВАФОЕВ,
«Turkiston» мухбири

Xabarlar

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Учкўприк тумани кенгаши ва жиноят ишлари бўйича туман суди ҳамкорлигида ёшларни давлат ҳокимияти органлари тизими ва фаолияти билан таништириш мақсадида учрашув ташкил этилди. Унда ёшлар муассаса фаолиятига оид маълумотларга эга бўлди.

Ҳуқуқий билимлар бойиди

Тадбирда ташкилот мутасаддилари ва Ҳаракатнинг туман кенгаши раиси Асрор Маҳмудов мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёшларнинг ролини ошириш, уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш, бугунги ижобий ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, ҳуқуқий билимларини янада бойитиш, турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, жамият тараққиётига ҳисса қўшаётган иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида алоҳида тўхталди.

— Келажакда ҳуқуқ-тартибот

тизимда ишлашни хоҳлайман, — дейди тумандаги 2-иқтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ўқувчиси Жасурбек Холматов. — Суд тизимида олиб бориладиган ишларни кузатиб, мақсадим қатъийлашди ва бу йўлда янада кўпроқ ўқиб-излашнига қарор қилдим.

Тадбирда иштирок этган ҳар бир йигит-қизнинг юз-кўзидан шу каби турфа таассуротларни англаш мумкин. Учрашувда ёшлар соҳа фаолияти бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Фаровонликнинг ҳуқуқий кафолати

Жорий йилнинг 15 ноябридан 15 декабрига қадар юртимиз бўйлаб «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» тарғибот ойлиги амалга оширилмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган мазкур лойиҳа доирасида Қашқадарё вилоятидаги умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунара коллежлари, олий таълим муассасалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ҳамда меҳрибонлик уйларида ҳам қатор ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Унда соҳа мутахассислари томонидан ёшларга Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонунлар

ҳамда Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг мазмун-моҳияти тушунтириляпти. Қонунчилик меъёрлари тўғрисида тушунчалар бериш мақсадида вилоят сайлов комиссияси билан ёшлар учрашувлари ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг интернетдаги elections2014.kamolot.uz веб-сайти орқали «Мен сайловга тайёрман!» он-лайн танлови ҳақида маълумот бериляпти.

Аҳрор СОДИКОВ,
«Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши матбуот ходими

Янги майдонда тўп сурдилар

«Камолот» ЁИХ Навоий шаҳар кенгаши ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида «Кама-лак» кубоги» футбол мусобақаси ташкил этилди.

Мусобақанинг «Ёшлар маркази» ҳузурида янги барпо этилган мини футбол майдончасида ўтказилиши футболсевар ёшлар учун қувончли воқеа бўлди. Унда 12—14 ёшли болалардан ташкил топган 16та жамоа биринчи мартаба тўп сурди.

Миллионлар ўйини футбол болаларда зийраклик, бирдамлик хислатларини тарбиялайди. Мусобақа жараёнида иштирокчилар қизиқарли ва шиддатли ўйин кўрсатди. Бундай

спорт лойиҳалари болажонларни жипслаштириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, маънан ва жисмонан соғлом қилиб камолга етказишга хизмат қилмоқда.

Мусобақа якунида голиб жамоаларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди. Келгусида уни анъанавий тарзда ўтказиш режалаштирилган.

Отабек АСЛОНОВ,
«Turkiston» мухбири



Тенгдошларимизнинг истеъдодини юзага чиқарувчи «Камолот» ЁИХ ташаббуси билан ўтказилган «Юрт келажиги — 2014» кўрик-танловининг республика босқичида Зарнигор Боқиева ўзининг миллий кўғирчоқ ва каштачилик намуналари билан иштирок этди.

Рустам НАЗАРМАТОВ олган сурат

МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА ОЛДИДАН ТАДҚИҚОТ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Сўровномага респондентларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини аниқлашга қаратилган савол ҳам киритилган эди. Маълум бўлишича, бугунги кунда ёшлар ўзларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ўртача даражада ба-

Аксарият ёшлар сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари фаолиятини кучайтириши керак, деган фикрда.

ҳолайди. Табиийки, мазкур кўрсаткич демократик жамият барпо этаётган давлатимиз учун етарли эмас. Шу нуқтаи назардан, сиёсий партиялар ҳамда ижтимоий йўналишларда фаолият юритувчи нодавлат ноижорат ташкилотлар ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизimini янада такомиллаштириши ва унинг амалга оширилишини мунтазам мониторинг қилиб бориши даркор. Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати муҳим ўрин тутди, албатта. Айни пайтда Ҳаракат амалга ошираётган «Мен сайловга тайёрман» лойиҳаси, шунингдек, «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови ва бошқа қатор ижтимоий ташаббуслар ёш авлод вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, ижтимоий фаоллигини кучайтиришга салмоқли хисса қўшаётир.

— Ёшларнинг сиёсий фаоллиги масаласида респондентлар таклифларини ҳам ўргандик, — давом этади Н.Субҳонов. — Уларнинг 31 фоизи жойларда сиёсий билимларни оширишга доир машғулотларни кўпроқ олиб бориш керак, деган фикрда. 27 фоизи сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари фаолиятини мазмунан кучайтиришни таклиф қилди. 18,7 фоиз респондент оммавий ахборот воситаларида сиёсий мавзудаги таъсирчан чиқишларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлаган бўлса, 16 фоизи сиёсий фаоллик учун жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг ўзи кифоя, деб ҳисоблайди.

Ижтимоий сўровнинг асосий хулосаларидан бири шундаки, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий жараёнлар, хусусан, сайловларда фаол иштирок этишни хоҳловчи ёшлар сони ортмоқда. Респондентларнинг 42 фоизи давлат ҳамда жамият бошқарувида бевосита иштирок этиш истагини билдирган. Бундай кайфият келгуси тараққиётимиз учун ниҳоятда муҳим. Чунки мамлакатда олиб борилаётган давлат сиёсатнинг мазмун-моҳияти, унинг ютуқ ва камчиликлари билан қизиқувчилар ортиб борган сайин, бошқарув соҳасида фаолият юритаётган шахслар ўртасида рақобат муҳити шаклланади. Сиёсий

рақобат мамлакат тараққиётига хизмат қилиши жаҳон тажрибасидан яхши маълум.

Яна рақамларга юзлансак: 28,3 фоиз респондентнинг сиёсий жараёнларга қизиқиши шу жараёнларда бевосита қатнашиш, яъни Олий Мажлис, маҳаллий кенгашлар депутатлигига ўз номзодини қўйиш, номзод тавсия қилиш ва бошқалар, шу билан бирга, ҳокимият органлари ҳамда ижтимоий-сиёсий ташкилотларда фаолият юритиши билан ифодаланади. 21,3 фоизи учун эса, ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқаришни англайди.

— Шу ўринда бир қизиқ ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман, — таъкидлайди суҳбатдошимиз Н.Субҳонов. — Кўпчилик ёшлар қонун чиқарувчи ҳокимият ҳамда вакиллик органларига сайланишни хоҳлайди. Ва бу яхши. Бироқ, уларнинг ушбу органлар фаолиятига оид билим ва тушунчалари доим ҳам етар-

Мамлакатимизда давлат ҳамда жамият бошқарувида бевосита иштирок этишни хоҳловчи ёшлар сони ортмоқда.

ли эмас. Бундай номутаносибликни бартараф этиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида қонун ижодкорлиги жараёнларига доир таҳлилий материаллар салмоғини мунтазам ошириб бориш лозим.

«Ёшларнинг сиёсий фаол



бўлишига қандай омиллар тўсқинлик қиляпти», деган саволга аксарият респондентлар (26,2 фоизи) «ёшларнинг сиёсатга лоқайдлиги» жавобини танлаган. Кейинги ўринларда «сиёсий партиялар олиб бораётган тарғиботнинг сустлиги», «ёшларда сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг етишмаслиги», «оммавий ахборот воситаларида ушбу йўналишлардаги материалларнинг камлиги» асосий сабаб сифатида кўрсатилади.

34,6 фоиз респондентнинг фикрига кўра, ёшларнинг сиёсий дунёқарашига, аввало, атрофда содир бўлаётган сиёсий воқеалар ҳамда муҳит таъсир кўрсатади. Қолганлари сиёсий маданият (27,4%), оммавий ахборот воситалари (22,1%)нинг ролини бирламчи, деб билади. Респондентларнинг 15 фоизи бу савол

га жавоб беришга қийналган.

Ижтимоий тадқиқот истиқлол даврида юртимизда вояга етган янги авлод вакиллари мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий жараёнларга бефарқ эмаслигини ва уларни диққат билан кузатиб боришини яна бир бор аён этди. Бироқ сўровда қатнашган респондентларнинг жуда катта қисми — 59,8 фоизи биронта ҳам сиёсий партияга аъзо эмаслигини ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Бу юртимиздаги сиёсий партиялар бу борадаги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишини, ёшларга йўналтирилган лойиҳа ва тадбирлар кўламини янада кенгайтиришини тақозо этади.

«Етакчи» ёшлар маркази маълумотлари асосида
Наргиза УМАРОВА
тайёрлади.

2014-yil — Sog'lom bola yili

Ҳаёт соғлом бола билан гўзал

Юртимизда «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш доирасида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар ёш авлодни жисмонан бақувват, маънан етук инсонлар этиб вояга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Республика миз ҳамда хорижий тиббиёт марказлари, клиника ва госпиталларда ижтимоий кўмакка муҳтож оилалардаги юрак нуқсон билан туғилган, қўл-оёқ бўғимлари ва бўйин қийшайиши сингари ортопедик касалликлар ташхиси қўйилган болаларни тезкор даволаш, терисида куйиш асоратлари бўлган

йигит-қизларни пластик операция қилиш, шу каби турли хасталиклар билан оғриган ёш беморларни бепул соғломлаштиришда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва юртимиздаги бошқа қатор ташкилотларларнинг хиссаси катта бўлмоқда.

Жумладан, Германиянинг «Friedensdorf Inter-

national» халқаро ташкилоти, Корея Республикасининг «Save the Children» халқаро фонди, Корея халқаро соғлиқни сақлаш KOFIN фонди, Ехва, Ёнсей, Инха ва Пундан Ча университетлари билан самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, соҳада қатор соғломлаштириш дастурлари амалга оширилмоқда.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида жорий йилнинг 13 — 19 ноябрь кунлари педиатр, анестезиолог, пластик жарроҳ, ортодантист, педиатр-реаниматолог сингари 30 нафар сингапурлик малакали шифокор ва мутахассислар томонидан юқори лаб ва қаттиқ

танглайида туғма нуқсонлари бўлган болалар умумий чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилгани бу борадаги хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Ҳолати оғир деб топилган болаларда жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, унда делегация аъзолари ўзлари билан олиб келган дори-дармон ва санитария-гигиена воситалари ёрдамида қўйилган ташхислар асосида беморларни даволади.

Шунингдек, Республика хирургия марказида соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» фонди ва «Operation Smile» хайрия ташкилотлари амалга ошираётган янги лойиҳа муҳокамаси ўтказилди. Делегация вакиллари иштирокида тиббиёт ходимлари ва талабалар учун долзарб мавзуларда маърузалар ўқилиб, ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Turkiston» муҳбири

«Kamolot» ko'zgusi

Тошкент педагогика коллежида «Баланд ҳилпирайвер, юртим байроғи!» деб номланган адабий-музикавий тадбир бўлиб ўтди. Давлатимиз байроғи қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган ушбу тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани кенгаши ҳамда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлигида ташкил этилди.

БАЛАНД ҲИЛПИРАЙВЕР, ЮРТИМ БАЙРОҒИ!

Депутатлар, шоир ва ёзувчилар ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокида ўтган тадбирда байроғимизнинг қабул қилиниш тарихи, унинг мавқеи ва аҳамияти ҳақида сўз борди. Тадбир давомида ўқувчи-ёшлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдукамол Раҳмонов билан мулоқотда бўлиб, мамлакатимизда ёшларга оид қабул қилинаётган қонунлар ҳамда сайлов жараёнлари ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Сўнг ўқувчилар ўртасида «Ватанимиз байроғи ҳақида нималарни биласиз?» мавзуда викторина ташкил этилди.

Чилонзор туманидаги «Турон» жанг санъати жамоаси ҳамда спорт усталарининг чиқиши, санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Асила ИБРАГИМОВА



Кўли энгилу сўзлари саммоқли шифокор

Чакалоқ дунёга келди. Аммо у лаб ва танглай нуқсони билан туғилди. Митти жон ҳаёт учун курашарди...

Бемор Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази поликлиникасига етказилди. Болалар жарроҳ-стоматологи Санжар Шаропов зудлик билан ёрдамга ошиқди. Бор маҳорат, билим ва малакасини ишга солди. Кўп вақт ўтмай, гўдак шифо топди. Нафас олиши, сут эмиш меъёрлари яшиланди. Ёш шифокор Санжар Шаропов кўлида шифо топган кичкинтойларнинг сони кўп. Қахрамонимиз ўз ишини ҳаётини бурчи деб ҳисоблайди. Инсон ҳаётда ўз йўлини

топган бўлса, умрини эзгу амаллар билан безашга ҳаракат қилади: ўқийди, изланади, касб эгаллаб, меҳнат қилади. Жондор туманидаги 23-умумтаълим мактабида, кейинчалик 2-иқтидорли болалар мактаб-интернатида таҳсил олган Санжар Бухоро давлат тиббиёт институтини тамомлади. Бор куч-ғайратини шифокор бўлишдек эзгу мақсадга эришиш учун сафарбар қилди. Билим ва тажрибасини оширди. Болалар жарроҳлиги ва реанимацияси илмий-амалий тўғарагида, илмий анжуманларда фаол қатнашди. Талабалар даврида йигирмадан ортиқ илмий мақоласи чоп этилди. «Юз-жағ соҳасидаги туғма нуқсонларни эмбрионал

даврдан эрта аниқлаш ва уларни неонатал-постнатал комплекс даволаш», «Ҳомиладорлик даврида болада туғма нуқсон сабаблари ва уларни ривожлантирадиган хавфли ўзгаришни аниқлаш чегаралари» мавзуларида илмий изланишлар олиб борди. Институтни битириб хирургик стоматология кафедрасида ассистент сифатида тадқиқотларини давом эттириш билан бирга вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази маслаҳат поликлиникасида ҳам фаолият олиб борди. Илмий фаолияти давомида болалар ва ўсмирлар организмининг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганишга эътибор қаратди. Юз-жағ нуқсонлари-

нинг юзага келиш хавфини аниқлаш ва янги методлар асосида даволаш мақсадида «Хавфли омилларни интеграл баҳолаш тизимида юз-жағ соҳасидаги туғма нуқсоннинг шаклланиш истиқболини аниқлаш» мавзудаги илмий ишини бошлади. Унинг натижалари амалиётга татбиқ этилди. Изланишларининг самараси мамлакатимизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим экани ишбатланди. Бу йил Санжар Шаропов Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловида қатнашиб, «Энг фаол ёш шифокор» номинацияси ғолиби бўлди. — Шифокор беморга ширин сўз, самимий муносабатда бўлса, касалликни биргаликда енгиш мумкин. Шифокорнинг муҳим қуроли — чиройли муомала, бемор учун эса энг кучли дори ишончдир, —

дейди Санжар Шаропов. — Юз-жағ нуқсони билан туғилган бола онасининг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Бора-бора онанинг ўзи хасталаниб қолиши ҳеч гап эмас. Биз бундай беморларни фақат дори-дармонлар воситасида даволамасдан, руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Хусусан, уларнинг характери, психологик ҳолатига қараб китоб ўқишни тавсия қиламиз. Муголаа жараёнида хасталик чекина бошлайди. Бугунги кунда ёш мутахассиснинг нафақат соҳа ривожига қаратилган илмий ишлари, балки болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга оид кўплаб таклифлари ҳам эътироф этилмоқда. Унинг саъй-ҳаракатлари билан бугунги кунда вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази маслаҳат поликлиникасининг моддий-техник имкониятлари кенгайди. Замонавий УЗИ аппарати, хирургик жамланма, янги тиббий мебель жиҳозлари, компьютерлар келтирилди. Муассасада даволанувчилар учун барча шароитлар яратилган. Муолажа ва дам олиш хоналари, спорт зали ва кутубхона ташкил қилинган.

Лайло ХАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

Ijodiy tanlov

ТАРВУЗ, ҚОВОҚ ВА ФОТОАППАРАТ...

«Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт марказида «Соғлом бола — соғлом она» мавзудаги фото ва карвинг санъати танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.



Халқ таълими вазирлиги, Республика маънавият тарғибот маркази ва «Оила» илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анъанавий танловда 39 нафар йигит-қиз ижодий маҳоратини намойиш этди. Барча иштирокчилар «Баркамол авлод» марказларидаги тўғарак аъзоларидир. Бугунги кунда республикамизда 211та ана шундай марказ мавжуд. Уларда тўрт мингдан зиёд тўғарак фаолият кўрсатмоқда.

— Ҳар йили танловни фақат фото йўналишида ташкил қилардик, — дейди «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Лола Тўхтаева. — Бу сафар беллашув дастурига карвинг ҳам киритилди. Кейинги пайтларда ўқувчи-ёшларнинг ушбу санъат турига қизиқиши ортмоқда. Шу боис кўплаб «Баркамол авлод» марказларида карвинг тўғараклари очилган.



Бизнинг марказда ҳам карвинг санъати ўргатилади. Беллашув жараёнида юртимизнинг турли худудларидан келган ёш ошпазлардан тарвуз ёки қовоқдан бадиий композиция ҳосил қилиш талаб қилинди. Сирдарёлик иштирокчи Нигина Амирова 6-синфда ўқийди. Карвинг билан икки ойдан буён шуғулланади. Илк ижод намуналари ҳакамлар ҳайъати томонидан юксак эътироф этилганидан ниҳоятда мамнун.

Тошкент шаҳридаги 280-умумтаълим мактаби ўқувчиси Гулсанам Тўғунованинг мева ва сабзавотли композициялари ҳам профессионалларни бефарқ қолдирмади.

— Карвингга муҳими фантазия, — дейди у. — Ҳамма билган турп ёки олмадан ажойиб асарлар яратиш орқали одамларга хуш кайфият улашасиз, ўзингиз ҳам завқланасиз. Бугунги маҳорат кўригида мен бор иқтидоримни кўрсатишга ҳаракат қилдим.



«Соғлом бола — соғлом она» танловига ёш фотоҳаваскорлардан ўнлаб ижодий ишлар қабул қилинди. Суратларда бой маданий меросимиз, тарих ва маънавиятга дахлдор объектлар, буюм ва жиҳозлар, шу билан бирга, юртдошларимизнинг ёрқин чехралари, оддий одамлар ҳаётидаги бахтли ва бетакрор лаҳзалар акс этган. Танлов доирасида энг сара фотоасарлардан иборат кўргазма ташкил қилинди. Ишлар «Азалий ва боқий қадрият» ва «Бетакрор лаҳза» йўналишлари бўйича баҳоланди.

Сарвиноз Матжонованинг фотожамланмасида қорақалпоқ мотивлари ус-тувор. Қораўзак туманидаги 2-мактаб ўқувчиси ўз халқининг боқий қадриятларини миллий либослар тасвири орқали ифодалашга ҳаракат қилган.

Пойтахтимиздаги 21-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Сардор Зайниддинов ва Денис Исмоиловнинг суратлари эса ҳаётининг билан ажралиб туради. Икки дўст ижодий танловда иккинчи бор иштирок этмоқда.

— Мана бу велосипедчини оромгоҳдан қайтаётганда йўл-йўлакай суратга туширгандик, — дейди Денис. — Бу суратни «Эҳ, йўллар, йўллар...» деб атадим. «Тила тилагингни» фото-портрети ҳам оромгоҳдаги ишларимиздан бири. Танловда янги дўстлар орттирдим. Улардан ўрганса бўладиган жиҳатлар кўп.



Бу йилги танловнинг яна бир шарт савол-жавоблар бўлиб, барча йўналишдаги иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига оид билимларини синовдан ўтказди.

Якуний натижаларга кўра, «Азалий ва боқий қадрият» йўналишида навоийлик Сардор Баҳромов, «Бетакрор лаҳза» йўналишида эса жиззахлик Темур Сотволдиевнинг фото ишлари 1-ўринга лойиқ деб топилди. Карвинг санъати бобида бухоролик Наргиза Жўрақуловага тенг келадигани бўлмади. Бошқа иштирокчилар бир қатор номинациялар бўйича тақдирланди.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири.
Муаллиф олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ — ЭРКИН ФИКР МАЙДОНИ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари У.Мухаммадиев, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.Мирзоҳидов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида миллий медиа соҳасини изчил раванқ топтириш, унинг ҳажон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун кенг қўламли имконият ва шароитларни яратиш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга оид тизимли ислохотлар амалий натижалар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашнинг янги босқичини бошлаш, давлат ва жамият қурилишини янада либераллаштириш бўйича устувор вазибалар, миллий медиа маконини модернизация қилишнинг замонвий тенденцияларини белгилаш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида медиа соҳа жадал ривожланиши, ОАВ, айниқса, нодавлат оммавий ахборот воситалари сони ўсишида ижобий кўрсаткичлар кузатилмоқда. Бугун рўйхатга олинган оммавий ахборот воситалари 1400 дан ошди, оммавий ахборот воситаларининг умумий сонидан нодавлат сектор улуши 2010 йилга нисбатан деярли икки баробар кўпайган.

2014 йил 1 январь ҳолатига кўра, нашриётлар 107, матбаа корхоналари 1514 тани ташкил этди. Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда юртимиз аҳолисининг учдан бир қисми интернет тармоғининг фойдаланувчиларидир. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси 12 телерадиоканалдан иборат. Соҳага рақамли ва мультимедиа технологиялари жорий этилмоқда. Миллий телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 мамлакатига чиқиш имкониятига, 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри халқаро каналларга эга бўлиб, интернетдан реал вақт режимида эфир амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситалари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича давлат дастури босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ахборот соҳасини демократлаштиришга доир долзарб вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотиж-



ЎЗА фотомухбири Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат

рат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази каби ташкилотлар изчил фаолият юритмоқда.

Форумда нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолияти ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш — ахборот соҳасини демократлаштириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиши, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш, ахборот соҳасини либераллаштириш, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини ривожлантириш — улар мустақиллиги ва эркинлигининг энг муҳим шартини каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

«Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон матбуоти» IV Миллий кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмада мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги нашриётлар, босма оммавий ахборот воситалари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига доир ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, юксак маънавиятли авлодни вояга етказиш, ёшларни турли ахборот хуружларидан ишончли химоялаш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори нашриётларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, соҳа мутахассисларининг касб салоҳияти ва малакасини юксалтириш, меҳнатини муносиб рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, нашриёт

ва матбаа корхоналарига берилган солиқ имтиёзлари натижасида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги корхоналарда жами 7,5 миллион доллар ҳажмидаги модернизация ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан оммавий ахборот воситалари, матбаа корхоналари ва нашриётлар фаолиятига руҳсатнома ва лицензия олиш учун тўланадиган давлат божи ставкалари 2 баробарга қамайтирилди.

«Ўзбекистон матбуоти» IV Миллий кўргазмасида мамлакатимизнинг етакчи даврий босма нашрлари, ахборот агентликлари ва нашриётлар иштирок этиб, матбуот ва ахборот соҳасида эришилган ютуқларни намойиш этмоқда. Бу йилги кўргазмада марказий ҳамда ҳудудлардаги ёшлар даврий нашрларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўргазмада «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида навқирон авлод онгу шуурини турли маънавий таҳдидлар, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ишончли химоялашга қаратилган чора-тадбирлар, жумладан, мамлакатимиз нашриётлари, босма оммавий ахборот воситаларида мазкур йўналишда эълон қилинаётган материаллар, босма манбалар билан иштирокчилар атрофлича таъминланди.

— Нашриётимиз жорий йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Жавондаги юз жавоҳир» рўқни остида ўзбек ва ҳажон адибларининг энг сара асарларини китоб ҳолида чоп этиб, ўқувчиларга тақдим этди, — дейди «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази бош муҳаррири Маъмура Қутлиева. — Шу билан бирга, болаларнинг ижодий-интеллектуал савиясини ошириш, чет тилларни ўрганишга оид қўллаб-қўллаш йўналишига оид китоб ва қўлланмалар, луғатлар ёш китобхонлар учун ўзига хос тўхта бўлди.

Кўргазма доирасида «Соғлом бола йили» Давлат дастурига асосан нашр этилган болалар адабиёти кўргазмаси ташкил этилди. Унда йигирмадан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Mulohaza

Ёшлар шундай бир ижтимоий қатламки, уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олмай, бирор соҳада муайян натижага эришиш мушкул. Улар идеалларига мос келмайдиган мажбурий йўсиндаги қадриятларни қабул қилавермайди. Негаки, ёш авлод тафаккури ижтимоийлашувдан сиёсийлашув томон шаклланиб бориши билан ажралиб туради.

Ижтимоий-сиёсий тадбирлар

ёшларнинг сиёсий маданиятини оширишга хизмат қилсин

Шу боисдан ҳам ижтимоий-сиёсий тадбирлардаги иштироки орқали ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида таҳсил олаётган йигит-қизларнинг сиёсий дунёқарашини кенгайтириб боради. Бу эса уларнинг сиёсий маданияти шаклланишига замин яратади.

Бирок айрим ёшларнинг ижтимоий-сиёсий тадбирлардан ўзини четга олиши, фаол иштирок этмаслиги натижасида сиёсий фаоллиги, тажрибаси ва сиёсий маданияти етарли даражада шаклланиб қоляпти. Шу ўринда ижтимоий-сиёсий тадбирларнинг баъзи жиҳатлари ёшларнинг сиёсий маданияти шаклланишига акс таъсир этаётгани ёки мазкур тадбирларнинг ўтказилишида айрим камчиликлар кўзга ташланаётганини таъкидлаш лозим. Масалан, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўтказилаётган баъзи тадбирларнинг аниқ мақсадга йўналтирилмай, пухта тайёрликсиз, номигагина уюштирилаётгани; ташкилотчиларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнда профессионал малакага эга эмаслиги; тадбирнинг кенг қамровли ҳамкорлик асосида ташкил этилмаётгани; уларда аъёнликнинг устуворлиги; ўқувчи-ёшлар аудиториясини кенг ҳажмда қамраб ололмаётгани; мавжуд муаммоларга муносабат ҳамда ёшларнинг психологик хусусиятларининг эътибордан четда қолаётгани кузатилмоқда. Бундай камчиликлар эса ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокининг пасивлигини кўрсатмоқда.

Сиёсий маданиятнинг дастлабки компоненти саналмиш билим ва тафаккур доимий, ҳаётий воқелик асосида синдирилсагина ўз самарасини беради. Сиёсий эътиқод ва тажриба эса айнан ўқитувчи-педагоглар томонидан амалга ошириладиган турли ижтимоий-сиёсий тадбирлардаги иштироки орқали шаклланади. Демак, бу жараёнда ўқитувчи-мураббийнинг сиёсий билими, тафаккури ва тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Негаки, етмиш йилдан ортиқ ҳукм сурган собиқ иттифоқ даврида аксарият шахсларда сиёсат тушунчасига нисбатан нотўғри тасаввур шакллантирилди. Бу эса ўша даврда туғилиб-ўсган, таълим олган кўпгина инсонларнинг тафаккурида ўзининг ноҳуш изини қолдирди. Шу боис бугун сиёсий билим ва тарбия борасидаги фикри,

мафкураси тўғри шаклланган мураббийларгина ўқувчи-ёшларга муносиб таълим-тарбия бериши мумкин. Чунки ўқитувчининг ўзи масаланинг моҳиятини англамас, уни ҳаққоний талқин этмас, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Бу бевосита ижтимоий-сиёсий тадбирлар жараёни билан ҳам боғлиқ. Сиёсат тушунчасига қанчалик мавҳумлик асосида ёндашилса, у шунчалик мураккаблашиб боради. Натижада, ўқувчи-ёшларда сиёсий жараёнлардан бегоналашув ҳолати бошланади. Бу эса ижтимоий лоқайдлик, сиёсат ҳақидаги нотўғри тасаввурнинг шаклланишига олиб келиши мумкин.

Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз кераки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил «измлар»дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади». Демак, ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқувчи-ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ушбу талабларга қатъий риоя қилишимиз зарур. Шу орқали турли ижтимоий-сиёсий тадбирларни ўтказиш орқали ёшларнинг сиёсий маданиятини ошириб боришимиз мумкин. Чунки ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тадбир аниқ мақсадга йўналтирилган бўлади. Шу боис ўқувчи-ёшларнинг бундай тадбирларда бевосита иштирок этиши улар учун ҳар томонлама фойдалидир.

Дарҳақиқат, сиёсат жамиятининг муҳим соҳаси бўлиб, у сиёсий воқелик, сиёсий институтлар, муносабатлар ва жараёнлар мажмуини ўз ичига олади. У давлат, ҳуқуқий ташкилотлар, партиялар, сайлов жараёнлари, қарорларни қабул қилиш механизмлари, унинг тузилмавий ва тизимий қисмларидан иборат.

Демак, ёшларни таълим-тарбия жараёни орқали сиёсатга тўғри йўналтириш ҳар томонлама фойдали бўлиб, бу жараёнда ижтимоий-сиёсий тадбирларнинг таъсири нечоғлик зарур эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак.

Замира АЗИМБОЕВА,
Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бўлим мудири

ЭРТАСИНИ ҲАМ ҲАМ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

**(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)**

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ёшлар сиёсати негизда ана шундай эзгу мақсад-муддао мужассам. Истиқлолимиз эълон қилинганидан ордан атиги икки ой ўтиб, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, иқтидорини жамият манфаатлари йўлида тўла-тўқис намоян этиши учун барча шарт-шароит яратилганлиги кафолатлади.

Давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 28 августдаги «Ўзбекистон ижтимоий ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида»ги фармони ечимини кутаётган кўпжақ иқтисодий ва ижтимоий муаммолар мавжуд бўлишига қарамай, ёш истеъдод соҳибларига эркин ижод қилиш ва фаровон яшашнинг муҳим омилли бўлган уй-жойга эга бўлиш имконини берди.

Ўтган йиллар мобайнида бу борадаги эзгу ишлар изчил давом эттирилди. Ёшлар йили, Баркамол авлод йили ва Мустақкам оила йилида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, ёш оилалар, шунингдек, Меҳрибонлик уйларида воёга етиб, мустақил ҳаётга қadam қўйган ёшларга уй-жой ажратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувват-

лашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериб келинмоқда.

— Чорак аср илгари биз ҳам ёш эдик, — дейди Олмалиқ туманида яшовчи Нормурод Маҳкамов. — Ўша даврда ёшлар келажига, бирор касб-хунар этагидан тутиши, орзу-истакларининг рўёбга чиқишига бугунгидек эътибор қаёқда эди?! Шахсий уй-жой билан таъминлаш ҳақида-ку ҳеч ким ўйламасди. Истиқлол тўғрисида барча орзу-ниятларимиз ушалди. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама камолга етиб, жамиятда ўз ўрнини топиши, ҳатто кўчмас мулкка эга бўлишига давлат даражасида эътибор берилмоқда. Ҳар бир йигит-қиз бунинг қадрига етиши, ғамхўрлик ва эътиборга муносиб бўлиши зарур.

Дарвоқе, жаҳоннинг кўпжақ давлатларида уй-жойга эга бўлиш аҳолининг ўткир муаммоларидан бири бўлиб турган, глобал молиявий-иқтисодий инқироз сабаб туркистонлик қишлоқликларнинг қисқараётган бир пайтда Ўзбекистонда бу борадаги бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурига мувофиқ ҳар бир вилоятнинг 2-3 туманида иккитадан 4 қаватли, 64 тагача хонадондан иборат 48 та «Камолот» уйлари барпо этилаётга-

ни бунинг амалдаги тасдиғидир. Ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароити ва рельефини ҳисобга олган ҳолда, замонавий қурилиш материаллари асосида ёш оилалар учун қурилаётган ушбу янги уй-жойлар мамлакатимизда ёшлар келажига берилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ёш оилалар учун ажойиб янгилик бўлди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши юрисконсулти Баҳром Илҳомжонов. — Мазкур қарор билан тасдиқланган низомига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Камолот» уйлари қуриш ҳамда фойдаланилмаётган ёки қурилиши тугалланмай қолган объектларни кўп квартиралли уйлар сифатида реконструкция қилиш, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлган фоизли ставкада ипотека кредити асосида ёш оилаларга мулк қилиб бериш тартиби белгиланди. Эътиборлиси, «Камолот» уйлари йигирма йил муддатга имтиёзли ипотека кредити эвазига берилди. Унинг дастлабки беш йили имтиёзли давр ҳисобланиб, бошланғич бадал тўлови талаб қилинмайди.

Низомга кўра «Камолот» уйлари турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож сифатида ҳисобда турган ҳамда фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳалар-

да юксак натижаларга эришган, шунингдек, ариза берилган пайтда ўттиз ёшдан ошмаган эрхотинлар (иккаласи ҳам) ипотека кредити асосида сотиб олиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун тегишли ҳужжатлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий кенгашларига топширилади ва улар орқали Ҳаракатнинг марказий кенгашига тақдим этилади.

«Камолот» уйлари 2015 йилдан бошлаб ўз эгаларига топширилади. Бу ҳам ўзига хос рамзий маънога эга: янги йил кўпжақ ёшлар ҳаётига янги ютуқлар, улкан зафарлар билан кириб келади.

— Анчадан буён ўз уйимга эга бўлишни орзу қиламан, — дейди Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Бекзод Мусаев. — Фарзандларим ҳали ёш, ўзим эндигина ўқишни тамомлаб, ишга жойлашганман. Яқинда ёшлар учун «Камолот» уйлари қурилаётганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига ариза билан мурожаат қилдик.

Ҳа, давлатимиз раҳбарининг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган сўзлари юртимизда яшаётган ҳар бир инсон учун муқаддас бурчга, ҳаёт мазмунига айланиб бормоқда. Зотан, халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялашда, эзгу мақсад-муддаомиз — эркин, озод ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайди.

**Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири**

Intellect olami

Ўзбекистондан йигирмата жамоа дастурлаш бўйича талабалар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг ярим финалига йўлланмани қўлга киритди. Кучли учликдан Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиали жамоалари ўрин олди.



Дастурчиларимиз Ярим финалда

Нуфузли мусобақа халқаро ACM ташкилоти (Association for computing machinery) томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилади. Юртимиз ёш дастурчилари унда 2002 йилдан буён мунтазам қатнашиб келмоқда. Дунёдаги етакчи IT-компаниялари учун бу иқтидорли ёш кадрларни саралаб олишнинг яхши имкониятидир.

Чемпионатнинг финал олди баҳслари қитъалар миқёсида ўтказилади. Шимоли-Шарқий Европа минтақаси доирасидаги чорак финалда юртимиздаги ўттизта олий таълим муассасасидан 68та жамоа иштирок этди. Ҳар қайси жамоа уч нафар талабадан ташкил топган.

Қоидага кўра, улар бтадан 11тагача инглиз тилида берилувчи масала ечимини тақдим этиши керак. Жамоалар ихтиёрига беш соат вақт ва битта компьютер берилди.

Интеллектуал беллашувнинг навбатдаги босқичи 6-7 декабрь кунлари бир вақтнинг ўзида Санкт-Петербург, Барнаул, Тошкент ва Тбилиси шаҳарларида онлайн равишда ташкил этилади. Пойтахтимизда бўлиб ўтадиган ярим финалда Қозоғистондан 27та жамоа ҳам қатнашади. Ўзбекистонлик талабалар минтақавий гуруҳлардан голиб чиққан дунёнинг кучли университетлари жамоалари билан учрашади.

Финал босқичига Марокаш давлати мезбонлик қилади. Яқунда жаҳон ва қитъа чемпионлари аниқланади.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Mutaxassis oghoh etadi

Ҳушёрлик ҳеч қачон панд бермайди

Тозаликка амал қилсанг, уйинг файзли бўлади, мол-мулкнингни асрашни билсанг, барака топасан, дейди халқимиз.

Моддий, маданий ва маънавий бойликларимизни асраш, шахсий ва давлат мулкни муҳофаза қилиш шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Бу борада, албатта, Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг

ҳам масъулиятли вазифалари бор. Хусусан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, бу офат билан боғлиқ ҳар қандай ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида бир неча йилдан бери республикада Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказиб келинмоқда. Ойликни самарали ўтказиш натижасида ёнғинлар сонни кескин камайиб, муҳими, уларда инсонларнинг жароҳатланиш ҳолатларининг олди олинди. Шунингдек, фуқароларда хавфсизлик қоидаларига амал қилиш кўникмаси шаклланди.

Мазкур ойликни ўтказишдан кўзланган мақсад иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа

объектларини, уй-жой фонддини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда жамоатчиликни кенг жалб этишдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги қарорига асосан шу йил 20 ноябрдан 20 декабрга қадар Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.

Ўтган йили ўтказилган Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида турли объектлар, аҳоли турар жойларининг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидала-

ри талабларини бажармаган ёки уларни қўпол равишда бузган раҳбар ва жавобгар шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш, ўт ўчириш техникасининг жанговар ҳолатини намойиш қилиш мақсадида республикамиз маҳаллаларида, ўқув юртларида, маданий ва маиший муассасаларда, истироҳат боғларида учрашувлар ўтказилди.

Ўт ўчириш асбоб-анжомлари ва автоуловлари, уларнинг техник имкониятларини кўрсатиш мақсадида кўргазмалар ташкил

этилди. Амалга оширилган тадбирлар ва кўрилган чоралар натижасида республикада ёнғин билан боғлиқ кўнгилсиз воқеалар камайишига эришилди.

Азиз юртдошлар! Ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш билан сиз нафақат давлат ва шахсий мулкнингизни ёнғинлардан асраган, энг муҳими, ўз ҳаётингиз, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлайсиз.

**Улғубек ВАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош
бошқармаси катта
муҳандиси, майор**

Biznesga ilk qadam



Қорақалпоғистонлик Гулмира Абдухолиқова Шуманай туманида хусусий корхона очди. Унда йигирма номдаги текстиль маҳсулотлари — барча ёшдаги ўқувчилар учун мактаб формалари, махсус иш кийимлари, чойшаб ва кўрна жилдлари тиқиб чиқарилмоқда.

— Тикув цехида 12 нафар аёл-қиз меҳнат қилади. Аксарияти коллежни тамомлаган ёшлар, — дейди Гулмира. — Яқинда гиламдўзликни йўлга қўйдик. Гиламларни маҳалладаги уй бекалари касаначилик асосида тўқишяпти.

Айтиши керак, «Гулмира текстиль» мактаб формаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган тумандаги ягона корхонадир. Тенгдошимиз бир ойда бундан қарийб 2 миллион сўм даромад кўради.

— Корхонани кенгайтирмоқчимиз, — дейди ёш тадбиркор. — Бу йили «Ёш тадбиркор — юртга мададор» танловида ғолиб бўлдим. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тавсияси асосида банкдан 48,5 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олишим мумкин. Кредит ҳисобига янги ускуналар, жумладан, матога гул босувчи замонавий тикув машиналарини харид қиламиз. Бу маҳсулотларимиз сифатини янада ошириш имконини беради.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Jurnalning yangi soni

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҚДОШИНГИЗ

«Huquq va burch» ижтимоий-ҳуқуқий журнаlining 2014 йилдаги 10-сони нашрдан чиқди.

«Ахборот асрида яшаймиз. Бу даврнинг мураккаблиги, нозиклиги шундаки, ҳар сония, ҳар дақиқа, ҳар соатда ёғиланган ахборотдан ақл-идрок билан хулоса чиқармасак — хато қиламиз. Зеро, ҳар қандай шов-шувли ахборотнинг замирида яширин бир мақсад ётади. Кўп йиллик кузатишларга асосланиб айтиш мумкинки, ахборот оқимидан кўзланган гаразли мақсад ва манфаатлар чексиз». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Иброҳим Норматовнинг «Тинчликка таянч тамойил» деб номланган мақоласи шундай бошланади. Унда дунё оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган ахборот оқимидаги ёвуз мақсадларнинг асосий моҳияти, жаҳон сиёсий майдонида рўй бераётган воқеалар турлича талқин қилинаётгани, турли мақсад ва манфаатлар тўқнашувида демократия ва эркинлик ниқоб вазифасини ўтаётган экан, оммавий ахборот воситалари тобора ана шундай мунофиқона сиёсий

ўйинлар қуролига айланиб бораётгани рад этиб бўлмас мисоллар билан очиб берилади.

Жамшид Ниёзовнинг «Жиноят қонунчилиги: уни такомиллаштириш истиқболлари» мақоласида ҳуқуқшунос олимлар ва соҳа мутахассисларининг кодекслар ҳамда қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий термин ва тушунчаларни бирхиллаштириш, баъзиларига аниқлик киритиш, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ўз аксини топмаган янги турдаги жиноятларга нисбатан тегишли нормаларни белгилаш, айрим жиноятлар учун жавобгарликни энгиллаштириш, айримлари учун эса кучайтириш, ижтимоий ҳавфи унча оғир бўлмаган, шунингдек, жамият аъзолари томонидан жиноий қилмиш сифатида тан олинмайдиган ва ахлоқ нуқтаи назаридан қораланмайдиган қилмишларни жиноий қилмишлар қаторидан чиқариш, вояга етмаганларнинг судланганлигига оид алоҳида

қоидаларни белгилаш билан боғлиқ таклиф ва мулоҳазалари ўртага ташланади.

Тилимиз билан боғлиқ ҳар қандай жараён ва ҳолатга эътиборли бўлишимиз, она тилимизнинг софлиги учун бетиним кураш олиб боришимиз талаб этилади. Филология фанлари номзоди Зухриддин Исомиддиновнинг «Кўча ёзувлари: уларда миллат савияси акс этади» номли мақоласида ҳар биримиз кунда дуч келадиган ҳолат — пешлавҳа, афиша, плакат, реклама, кўча, майдон ва хиёбонлардаги ёзувлардаги хато ва ғализликлар, мазкур муаммони бартараф этишнинг ечимлари атрофлича таҳлил этилган.

Ушбу сондан, «Сайлов қонунчилиги: кеча ва бугун», «Сиёсий партиялар мустақам ҳуқуқий асосга эга», «Камолот» уйлари кимларга қандай тартибда берилади?», «Оила «шаъни» (суд очерки) каби мақолалар ҳам ўрин олган.

МУХБИРИМИЗ



Тузоқ, овчи ва қушча

Хикоя қилинишича, бир қушча тузоқ ёнидан ўтаётди, ундан: «Нега йўлдан узоқда турибсан?», деб сўради. Тузоқ: «Унга одамлардан омон бўлишим ва улар ҳам мендан омон бўлишлари учун», деди. Қушча яна нега сени тупроқда кўраман, деди. Тузоқ: «Тавозеъ туфайли», деди. Қушча ундан: «Елкангдаги арқон нимага керак?», деб сўради. Тузоқ бу саволга: «Қаландарлар кийими», деб жавоб берди. Қушча яна: «Бу асо нимага керак?», деди унга. Тузоқ: «Мен унга суянаман», деди. Қушча: «Нега олдинга бугдой сочилган?», деб сўради. Тузоқ: «У бир оч-фақир, орқада қолиб кетган йўловчи учун тайёрлаб қўйилган энг яхши озуқа», деди. Қушча: «Мен йўловчиман, очман, менга озуқа бера-санми?», деди. Тузоқ: «Бажонидил, ма, ол», деди.

Қушча тумшугини тикқанида, тузоқ бўйнидан қисиб олди. Шунда қушча: «Сен ўзинга маккорлик, алдамчилик ва тубан ахлоқни танлашинг қандай ёмон!», деб хитоб

қилди. Қутилмаганда тузоқ қўйган киши пайдо бўлиб, қушчани кўлига олди. Қушча ўзига-ўзи: «Донишмандлар кимки ақлсиз бўлса, афсусланади, кимки эҳтиёткор бўлса, саломат бўлади, дегани ҳақиқат экан. Энди кеч бўлди, қандай қутулсам экан», деди. Сўнг ҳийла билан қутулиш йўлини топди. Қушча овчига қараб: «Эй одам, сўзларимни эшит, Аллоҳ шу туфайли сенга манфаат беради, деб умид қиламан. Кейин мени нима қилсанг қилавер», деди. Овчи қушчанинг гапига ҳайрон бўлиб, айт, деди. Қушча: «Оқил киши мени еганнинг қорни тўймаслигига шубҳа қилмайди. Агар хоҳласанг, мени ейишдан кўра фойдалироқ учта ҳикматли сўзни эшит ва мени қўйиб юбор. Биринчисида қўлингга бўламан, иккинчисида мана бу дарахт шоҳига кўнаман, учинчи ҳикматни айтганимда дарахт тепасида бўламан», деди. Овчи қушчанинг шартига кўниб, биринчисини айт, деди. Қушча: «Токи ҳаёт экансан, кўлдан кетган нарсага афсусланма», деди. Овчига қушчанинг сўзи ёқиб, уни қўйиб юборди. Қушча эса дарахт шоҳида туриб: «Токи ҳаёт экансан, бўлмайдиган нарсага бўлади, деб ишонма», деди. Шундай деб қушча дарахт тепасига учиб чиқди. Овчи

унга: «Иккинчисини айт», деди. Шунда қушча: «Эй одам, сендан кўра бадбахтроқ кимсани кўрмадим. Ҳозиргина оиланг ва болаларингга асқотадиган бойликни қўлга киритган эдинг, озгина вақтда кўлдан бой бердинг», деди. Овчи ундан бу нима деганинг, деди. Қушча: «Мени сўйганингда, жиғилдонимдан ҳар бири эллик мисқолга тенг икки гавҳарни топар эдинг», деди. Овчи қушчанинг сўзини эшитиб, оҳ урди ва бармоғини тишлаб: «Алдадинг мени, қушча. Лекин учинчи ҳикматли сўзни айт-чи», деди. Шунда қушча: «Қандай қилиб учинчисини айтмай, сен ундан олдинги иккитасини дарҳол унутган бўлсанг? Ахир, сенга кўлдан кетган нарсага афсусланма, бўлмайдиган нарсага бўлади, деб ишонма, демаганмидим. Қандай қилиб шу митти жиғилдонимда ҳар бири эллик мисқолга тенг икки гавҳар борлигига ишондинг. Ахир, патларим, гўштим, суякларим ва қорнимдаги нарсаларни қўшиб бирга тортсанг, ўн мисқол ҳам чиқмайди-ку! Сен кўлдан кетган нарсага афсусландинг, ғам-қайғу чекдинг», деди. Шундан кейин қушча овчини тарк этиб, тузоқдан ҳийла билан қутилиб кетди.

(«Қадимдан ҳозиргача...» китобидан)



Математиканинг учбурчак томонлари ва бурчаклари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги бўлими қадимдан яхши ўрганилган. Хусусан, Муҳаммад Мусо Хоразмий «Зиж» асарининг 23-бобини мазкур бўлимга бағишлаган. Шунингдек, 28-бобда ҳам унга оид масалаларга кенг тўхталган.

Айтинг-чи, математиканинг мазкур бўлими нима деб аталади?

Жавобингизни 25 ноябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Юнус Ражабий.

Юнусобод туманидан Азиза Ҳожикурбонова тўғри жавоб йўллади.

Тафаккур қилишдан бир қаҳра

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг қадам босиши арслон юришидан ҳам маҳобатлироқ, ҳайбатлироқдир.

Абулқосим ЗАМАХШАРИЙ